



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили
*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат
техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шахноза Боймухамматовна Холикулова,
Навоий давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси
kholikulova_sh@mail.ru

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

For citation: Shakhnoza Kholikulova. THE IMPACT OF THE INDUSTRIAL ENTERPRISES OF LOWER ZARAFSHAN OASIS ON THE SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF THE POPULATION. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.74-81

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-12>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки йилларида Қуйи Зарафшон воҳаси саноат корхоналарининг аҳолини ижтимоий ва маданий ҳаётида тутган ўрнини расмий ҳужжатлар ва архив манбалари асосида таҳлил қилган. Саноат тармоқларининг аҳолини турмуш даражаси ва шахар, кишлоқ инфратузилмасига таъсири ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий таъминот, ҳомийлик, хайрия, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Навоиязот, Навоий тоғконметаллургия заводи, мактаб, боғча, шахар қурилиши, ишчилар таъминоти, истеъмол моллари.

Шахноза Боймухамматовна Холикулова,
старший преподаватель
Навоийского государственного педагогического института
kholikulova_sh@mail.ru

ВЛИЯНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НИЖНЕГО ЗАРАФШАНСКОГО ОАЗИСА НА СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНУЮ ЖИЗНЬ НАСЕЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор анализирует на основе официальных документов и архивных источников роль промышленных предприятий оазиса Нижнего Зарафшана в первые годы независимости в социальной и культурной жизни населения. Раскрывает влияние промышленных секторов на уровень жизни населения и инфраструктуру городов и кишлаков.

Ключевые слова: социальное обеспечение, спонсорство, благотворительность, Каравул базарский НПЗ, Навои азот, Навоийский горно - трудовые ресурсы металлургический комбинат, школа, детский сад, градостроительство, трудовые ресурсы, товары народного потребления.

Shakhnoza Kholikulova,
senior teacher

Navoi State Pedagogical Institute
kholikulova_sh@mail.ru

THE IMPACT OF THE INDUSTRIAL ENTERPRISES OF LOWER ZARAFSHAN OASIS ON THE SOCIAL AND CULTURAL LIFE OF THE POPULATION

ABSTRACT

The article gives a thorough analysis about the role of industrial enterprises in the social and cultural life of the population of Lower Zarafshan oasis in the early years of independence on the base of official documents and archival sources. It also highlights the influence of industrial sectors on living standards and urban-rural infrastructure.

Index Terms: social welfare, sponsorship, charity, Karavulbozor oil refinery, Navoiyazot, Navoi Mining and Metallurgical Combinat, school, kindergarten, urban development, workforce, consumer goods.

1. Долзарблиги:

Бугунги кун жаҳон иқтисодий ислохотларидан мақсад, инсоннинг турмуш даражасини юқори кўрсаткичда ташкил этишдан иборат. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш шароитида аҳолини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш мақсадида хўжалик юрителининг ижтимоий- иқтисодий тизимида иттифоқ ҳукмронлиги давридан сақланиб келаётган узилишларни бартараф қилиш чора-тадбирлари кўрила бошланди.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ижтимоий таъминот даражаси ва инсон манфаатларига саноатлашган ҳудудларда қандай эътибор берилганлигини ўрганиш, ва бу жараёнда саноат корхоналарини таъсири борлигини таҳлил қилишдан иборат. Саноат корхоналари жамиятга инсон омилига унинг яшаш даражасига таъсирини таҳлил қилиш мақоламизнинг долзарб вазифаси этиб белгиланди. “Ҳукумат ва Президент кўрадиган асосий ҳимоя чоралари, энг аввало, ногиронлар, етим-есирлар, қариялар, кўп фарзандли оналар, талабалар ва мактаб ўқувчилари манфаатларига хизмат қилади”[1]. Шу мақсадда 1991 йил ноябрида Республика ҳукумати Ижтимоий таъминот вазирлигига бир ой муддатда ўз тасарруфидаги таҳлил қилиш ва пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва талабаларни муҳофаза қилиш вазифалари топширилди[2].

2. Тадқиқот методлари: мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик тизимлилик ҳолислик тамойиллари шунингдек, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда киёсий таҳлил усуллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бозор иқтисодиётига ўтиш республиканинг барча вилоятларида бўлгани каби, Қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш осон кечмади. Жумладан, Бухоро вилоятида жойлашган “Бухоротекс” ҳиссадорлик жамияти, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Навоийазот, Навоийцемент, Электрокимё заводи, НКМК ва бошқа саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш орқали аҳолининг турмуш шароити ва истеъмол даражасини кўтаришга эътибор қаратилди. Аввало саноатлашган ҳудудларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида Бухоро вилоятида 1993 йилнинг 5 ойида 5 млрд 826 млн сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, янги қурилишнинг деярли барчаси ижтимоий объектлар эди. Бу борада ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган дастлабки муҳим ишлардан бири Дамхўжа-Навоий-Бухоро сув қувурининг қурилиши ва ишга туширилиши бўлди[3]. Натижада асрлар давомида ҳовузлар, кудуқлар ва ариқлардан оққан зах сувларни истеъмол қилишга мажбур бўлган Қуйи Зарафшон аҳолиси

тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди. 1994 йил “Оналар ва болалар йили” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 август 434 сонли қарорига асосан, “Бухоротекс”, “А.Ғиждувоний” ҳиссадорлик жамияти, “Қорақўлтекс” қўшма корхонасида ишлаётган хотин-қизларга бир қатор енгилликлар амалга оширилди. 1994 йилнинг 6 ойи давомида кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, болалари 2 ва 16 ёшга тўлгунга қадар тўланган нафақа миқдори 2 млрд сўмни ташкил этди[4].

1990 йилларнинг бошларида саноат маҳаллий ҳокимият бошқарувида ўтгандан кейин саноат корхоналарининг русийзабон ишчилари кўчиб кета бошлади. Шундай бўлсада, иттифоқ даврида ёпиқ шаҳарларда демографик кўрсаткичлар тушиб кетмади. Маҳаллий кадрлар шаҳарларга кўчиб келиши туфайли бу шаҳарларда аҳоли ўсиши кузатилди. Жумладан, 1991 йилда Бухоро вилояти бўйича шаҳар аҳолиси 409,1 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, 685 минг кишига етди. Бундай демографик барқарорликка ҳудудларнинг саноатлашувига эътиборни кучайтириш орқали эришилди. Масалан, саноатлашган Қоравулбозор тумани ҳудуди ташкил этилганда (1993 й.) аҳоли сони 10600 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 17100 кишига етди[5].

Саноат корхоналари ижтимоий тармоқлар билан бир қаторда маданий-маънавий ҳайрия тадбирларида ҳам мунтазам иштирок этиб келдилар. Мисол учун, ноёб тарихий обида ҳисобланган Чор Бақр меъморий мажмуаси 90 йилларга келиб таъмир талаб ҳолатда эди. Бухоро вилоят ҳокимлигининг 1999 йил 1 апрелдаги йиғилишидаги келишув асосида “Бухоротекс” АЖ, “Бухорожамоақурилиш” 2-сон трести, Бухоро вилоят тадбиркорлар палатаси ва бошқа бир қатор корхоналар “Ҳашар” ўтказиб, ундан тушган маблағни ушбу мажмуани таъмирлашга сарфлади[6].

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ҳам Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида салмоқли ҳисса қўшди. У 1999 йили “Бухорои Шариф”, “Чорбақр”, “Соғлом авлод” жамғармаларига 30 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратди. Республика ҳукумати томонидан соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида ташкил этилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда “Универсиада” спорт мусобақаларида корхона жамоаси 2005 йилда турли йўналишларда завод бўйича 972 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди[6].

Саноат корхоналари ишчилар ва ходимлар учун етарлича ижтимоий шароит яратишга ҳаракат қилди. Жумладан, йилига 5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган Қоравулбозор корхонаси қурилишида биринчи ўринда ишчиларнинг яшаш шароитига эътибор қаратилди. Дастлабки кунларданок, ўнлаб вагончалар келтирилди, “Амубухороканалқурилиш” бирлашмаси қурувчилари олдига замонавий талабларга мос, табиий газ, сув, доимий электр, канализация ва иситиш тизими мавжуд бўлган 96 ўринли бинони қуриб битириш вазифаси юклатилди. 400 млн. сўмдан ортиқ (1991 йилги шарнома нархи ҳисобида) маблағ ҳисобига қад кўтарган бу бинода яшаш ва дам олиш учун барча шароитлар мавжуд эди[7]. Заводнинг асосий майдони 205 гектарни ташкил этди. Қисқа муддат ичида завод қурилиши майдонида газ, электр тармоқлари, темир йўл шахобчалари тортилди. Икки ярим ой мобайнида 400 ўринли замонавий ошхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга иккита сабзавот омбори, қозонхона, вақтинчалик ёқилғи қуриш станцияси ва бошқа қатор объектлар қурилди[8].

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшмаси (1997 й. ташкил этилган) меҳнат мунозараларини ҳал қилиш, маҳнатга ҳақ тўлаш ва нафақа бўйича, меҳнатни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар масалалари, умумий овқатланиш ва савдо, спорт, оммавий маданий тадбирлар, оила ва мактаб билан ҳамкорлик, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш бўйича тузилган комиссиялар ҳамкорлигида иш бошлади[9]. Заводда ишлаётганларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ишчи ва ходимларнинг 42 нафарига коттежлар, 3 нафар ишчига оилавий ётоқхона, 21 нафар ишчи эса ётоқхона билан таъминланди, шунингдек 700 оилага мўлжалланган уй-жой, шунингдек ошхона, ҳаммом, дўконлар, нонвойхона, маиший-маданий масканлар қуриб берилди[10].

Қоровулбозор тумани ташкил этилишида тузилган лойиҳада пахтачилик, дончилик, чорвачилик, санот ва боғдорчиликни бир вақтда ривожлантириш режалаштирилган эди[11]. Кадрлар яшаш шароитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи атрофида яшил воҳа барпо этиш тўғрисида” қарори қабул қилинган нефтни қайта ишлаш заводини ва Қоровулбозор туман марказини қум босишидан муҳофаза қилиш ҳамда ушбу минтақада экологик вазиятини яхшилаш мақсадида завод атрофидаги ерлардан 18 гектар ерни ободонлаштириш ва ўрмон ташкил қилишга киришилди[12]. 2000-2003 йиллар давомида 4336,3 квадрат метр уй-жой, ёпиқ бозор, 5 км оқар сув лотоги, 4 та автобекат, 6,5 км узунликдаги автойўл таъмирланди, 29 та уй фойдаланишга топширилди[9].

Республиканинг энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлашда заводнинг салмоқли хиссаси бўлиб, ишчилар, хизматчи ходимлар ва уларнинг оилалари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши кейинги йилларда ҳам заводнинг ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтди.

Ҳомийлик ишлари Навоий шаҳрининг ободончилигида ҳам кузатилди.

Навоий шаҳар ХТБ таълим муассасаларида ҳомий ташкилотлар[13]

№	Таълим муассасалари	Ҳомий ташкилот
1.	Беруний номли 2 мактаб	ЖКУ.НКМК
2.	Нодира номли 4-мактаб	ОЭС, НКМК
3.	Чўлпон номли 5-мактаб	МСУ-4. АЖ
4.	Макаренко номли 6-мактаб	“Навоийазот”АЖ
5.	Усмон Носир номли 7-мактаб	“Навоий вилояти газ таъминоти шўба корхонаси” шаҳар газ таъминоти ташкилоти
6.	Муқимий номли 8-мактаб	“Қизилқумцемент” АЖ
7.	Улуғбек номли 9-мактаб	Нав.Дис.пут.9
8.	Ш. Рашидов номли 10-мактаб	Нав.пах.тоз.зав. АЖ
9.	Ибн Сино номли 11-мактаб	“Балиқчилик” АЖ
10.	Ҳ.Ниёзий номли 12-мактаб	“Навоийазот” АЖ
11.	А.Навоий номли 13 мактаб	НМЗ. НКМК
12.	Королёв номли 15-мактаб	“Сармиш” АЖ. СМУ-10АЖ
13.	Толстой номли 16-мактаб	МСУ-79 ЗУС
14.	Ф.Хўжаев номли 17 мактаб	“Нав.нефть.мах” АЖ. “Ўзэлектрремонт” АЖ
15.	С.Рахимов номли 18-мактаб	“Навийазот”АЖ
16.	Ломоносов номли 1-мактаб	ГМЗ. НКМК

Республика ҳукумати саноат корхоналари ишчи-ходимларининг соғлиғи ва маданий шароитини яхшилашга давлат даражасидаги масала сифатида қаради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Геология, кўмир, нефт ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий риёсатининг 1995 йил 18-сонли Қарорида Ўзбекистон геолог қидирувчилари учун Қора денгиз соҳилига, шимолий Кавказ, Қрим ва Москва вилоятида жойлашган санаторийлар ва дам олиш пансионатларига 1500 дан зиёд йўлланма ажратган. Шунинг билан бир қаторда, маҳаллий санаториялар ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариш ҳамда даволанишни ташкил қилишга ҳам эътибор кучайди. 1995 йили Давлат геология кўмитаси геолог қидирувчилар, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун “Чотқол” санаторийсида даволаниш ва дам олиш шарт-шароитларини яхшилаш учун ётоқхона, даволаш корпуслари ва коттежларда жами 5 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини бажарди. Атроф ободонлаштирилиб, суғориш тизими ўтказилди[14].

Ўзбекистондаги йирик кимё саноати корхонаси ҳисобланган “Навоий- азот” акционерлик жамияти “Ўзкимёсаноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирганидан кейин техника ва технологияларининг куввати ошди, муҳандислар ва новатор ишчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш имконияти кенгайди. Жамиятда кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва самарали ишлашлари учун қулай шароит яратиб беришга эътибор кучайтирилди. 10 мингдан ортиқ ишчи ишлайдиган жамоада барқарорлик, ходимлар ижтимоий муҳофазаси шароитларини яратиш, иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратилди[15]. “Навоийазот” кадрлар бўлимидан олинган маълумотларга кўра, корхонада 2103 нафар 30 ёшгача бўлган ходимлар ишлайди[16].

“Навоийазот” корхонаси ҳисобида тиббий-санитар қисм, профилактория-санаторийси, “Ширин” маданият саройи, “Химик” стадиони, “Офтобжон” болалар дам олиш оромгоҳида корхона ишчилари, пенсионерлар ва болаларга ғамхўрлик кўрсатилади[17]. 2016 йилда ишчиларнинг тиббий ижтимоий таъминоти учун 8.67 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 14.62 млрд. сўмга етди[18]. Корхона ишчиси Мафтуна Бобоқулованинг таъкидлашича, оналик таътилига чиққан ёш оналарга фарзандини 2 ёшга тўлгунича лавозими турига қараб нафақа жорий этилган[19]. Шундай қилиб, Қуйи Зарафшон воҳасида шаҳар қурилиши ва ижтимоий-маданий тармоқларнинг ривожланиши саноат ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ўзбекистондаги энг йирик кимё корхонаси - “Навоийазот” ОАЖ ишчи ходимларининг соғлигини муҳофаза қилиш долзарб вазифалардан. Касб касалликларини олдини олиш, хасталик туфайли ногиронликни белгилашни белгилашни камайтиш ва ишчи ходимларни ўз вақтида профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида “Навоийазот” ОАЖ қошида 1970 йилда тиббий санитария қисми ташкил этилди. Бугунги кунда тиббий санитария қисми ҳозирги замон талабига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Қисмда 250 дан ортиқ тиббиёт ходими хизмат кўрсатади. Мутахассислар Тошкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург ва Киев шаҳарлари клиникаларида малака оширишади. Тиббий санитария қисми 12 минг ишчи хизматчига ва 2000 дан ортиқ нафақахўрга малакали тиббий ёрдам кўрсатади. Шунингдек 2006 йилдан пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳам ташкил қилинди. Корхона ички ҳудудида 7та фельдшерлик соғломлаштириш шаҳобчалари хизмат кўрсатади[20].

Навоийазот ОАЖ ўн мингга зиёд ишчи хизматчилар ва юқори малакали инженер-техник ходимлар фаолият кўрсатади. Айтиш жоизки уларнинг кўпчилиги заҳарли иш шароитида меҳнат қиладилар. Буни эътиборга олган ҳолда ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1977 йилнинг октябр ойида сиҳатгоҳ ташкил этилди. Сиҳатгоҳда юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак йўллари хасталиклари, таянч ҳаракат системаси касалликлари, юрак-қон томир касалликлари ҳамда неврологик гинекологик, стоматологик касалликларини даволаш ва олдини олиш ишлари олиб борилади. Тиббий хизмат шароитини янада яхшилаш мақсадида ичак ювиш ханоси “Амок” аппарати билан таъминлаш ҳамда оилавий дам олишни ташкил қилиш учун коттежлар қурилди[20].

“Ширин” маданият саройи нафақат “Навоийазот” ОАЖнинг балки Навоий шаҳрига кўрк кўшиб туради. Маданият саройи истиқлолнинг илк даврида, яъни 1992 йилда фойдаланишга топширилган. Маданият саройи “Истиқлол”, “Дўстлик ғунчалари”, “Гармония”, рақс дасталари Республика халқаро миқёсида фестивалларга фаол иштирок этиб келмоқда. Шунингдек маданият саройи ҳузурида тасвирий ва амалий санъат студияси, 2013 йилда “Ёш томашабинлар театри” ташкил этилди[20].

Навоий кон-металлургия комбинатига тегишли объектларда ҳам ижтимоий ва маданий масалаларга алоҳида эътибор берилган Комбинат бўлинмалари жойлашган Навоий, Учқудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ҳамда Зафаробод ва Заркент қўрғонлари ҳозирги пайтда замонавий инфратузилмаларга эга. Бу шаҳарларда меҳнат қилаётган ва яшаётган 350 мингга яқин аҳолига марказлашган иссиқлик ва сув таъминоти, замонавий уй-жой фонди ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари хизмат қилади. Комбинатнинг иқтисодий барқарор

ривожланиши кўп жиҳатдан унда меҳнат қилаётган жамоанинг саломатлиги ва турмуш даражасининг фаровонлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Комбинатнинг ривожланиш дастури бутун Зарафшон минтақаси, комбинат фаолият кўрсатаётган шаҳарлар, саноат, маданият ва маиший хизмат объектлари бўлган вилоятларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда[21].

Навоий вилояти давлат архиви ҳужжатларида қайд этилича, Комбинат ва Навоий вилоятидаги барча йирик саноат корхоналари юқоридаги шаҳарларнинг ва вилоятнинг ижтимоий инфратузисини барпо этишга мунтазам маблағ ажратиб келади. Таълим муассасаларининг капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шаҳар ва туманлардаги кўчаларнинг ободлиги, боғдорчилик ва соғломлаштириш масканларини қурилишида ҳам кенг иштирок этганлиги қатор ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган[22].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қизилқумнодирметаллолтин концернига қарашли 63 та ва НКМКга қарашли 43 та болалар боғчаси ва Навоий қурилиш бошқармаси (НУС) га қарашли 10 та болалар боғчалари бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 453 сонли қарорига асосан идораларга қарашли ижтимоий соҳа объектлари давлат органлари балансига ўтказила бошланди. 2011 йилдан барча мактабгача таълим муассасаларида давлат балансига ўтказилди[23].

Ушбу қарор босқичма –босқич амалга оширилганлигини қуйидаги жадвал асосида ҳам кўриш мумкин[24].

№	Вазирлик ва корхона номи	В/М қарорига кўра	Мавжуд болалар боғчалари сони	Қабул қилинган болалар боғчалари сони
1.	Қизилқумнодир-металлолтин	63	63	-
2.	Навоий ТМК	43	43	
3.	НУС	10	10	10
4.	Энергетика вазирлиги	1	1	1
5.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	114	114	114
6.	Ўзпахтасаноат	3	3	3
7.	Ўзмеvasазавот	3	7	3
8.	Ўзқурилиш материал	3	3	3
9.	Ўз кимёсаноати	10	9	9
10.	Ўз қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази	2	2	2
11.	Ўзбекбирлашув		1	
12.	Қорақўлчилик ИЧБ		46	
13.	Вилоят бўйича	243	243	146

Жадвалдан шуни кўриш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида йирик саноат корхоналари ишчи-ходимларини кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ўз ҳисобида бўлган болалар боғчаларини сақлаб қолди. Ишчи ходимлар боғча тўловларини 50% ни тўлашган холос.

Ҳозирги пайтда НКМК бақувват ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурага эга бўлиб, унинг майдони юз минглаб квадрат километрни ташкил қилади. Бу комбинатга ишчиларининг ижтимоий муаммоларини максимал даражада ҳал қилиш ва меҳнат самарадорлигини рағбатлантиришга ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Комбинатда меҳнат қилаётган 250 мингга яқин киши томонидан қилинаётган ишларининг самарадорлигига боғиқлиги туфайли, бу ерда санитария-медицина хизмати бўлимлари, дам олиш базалари, профилакторийлар, спорт комплекслари, ёзги соғломлаштириш лагерларининг хўжалик

таъминоти комбинат ҳисобидан амалга оширилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида комбинат қуйидаги ютуқларга эришди:

- ишчи ўринларининг сони 36350 тага кўпайди;
- рудани қайта ишлаш ҳажми 2,0 баробар ошди;
- олтин қазиб олиш 64,0 ўсди;
- маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 250,0 ошди[25].

НКМК бозор иқтисодиёти шароитида ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида уй-жой билан таъминлаш, соғломлаштириш, болаларни мактабгача таълим муассасалари ва соғломлаштириш оромгоҳларида тарбияланиши, ишчилар ва ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мақсадида оммавий-маданий ҳамда жисмий тарбия эътибор кучайтирилди. Комбинат ишчи-ходимларининг турмуш шароитларини янада яхшилаш мақсадида Зарафшон шаҳрида 36 та, Учқудуқ туманида 12 та кўп хонадонли, Зафарободда 10 та ободонлаштирилган коттежлар ва ёш мутахассислар учун ётоқхона, Заркентда 8 та кўп хонадонли уй ҳамда 4 та ётоқхона курилди. Қарийб 900 нафар ишчи-ходимлар қишлоқ жойларида намунавий лойиҳадаги турар жойларга эга бўлди. Зарафшон, Учқудуқ, Нуробод ва Маржонбулоқ шаҳарларида спорт мажмуалари, маданият муассасалари бунёд этилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида комбинатга карашли Кўшработ туманининг Заркент посёлкасида болалар аквапарки ва 44 хонадонли турар-жой, «Металлург» профилакториясининг даволаш корпуси, Нурободдаги балнеологик профилактория, «Фарход» маданият саройининг хореография заллари фойдаланишга топширилади. 2016 йилда Зарафшон шаҳридаги 3-тиббий-санитария қисми базасида замонавий жиҳозланган «Она ва бола» минтақавий скринг-марказини барпо этиш режалаштирилган[25].

Мустақиллик йилларида «Чорвоқ» сув омбори киргоғида «Паҳлавон» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилгани, «Металлург», «Шахтёр» санаторий- профилакториялари, «Зарафшон» пансионати комбинат ишчи- хизматчилари фарзандларининг соғлом улғайишига хизмат қилмоқда[25].

4. Хулосалар:

- Қуйи Зарафшон воҳаси саноат корхоналари республикамизнинг мустақиллигимизнинг дастлабки йиллириданок иқтисодиётни тиклашга хизмат қилди;
- мураккаб иқтисодий шароитда нафақат маҳсулот етиштириб берди. Балки аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзида муҳим ўрин тутди.
- саноат корхоналари мавжуд ҳудудларда шаҳарлар курилди мавжуд шаҳарлар инфратузилмаси ўзгарди.
- саноат корхоналари агросаноатни ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Аҳолининг маданий ҳаёти ва соғломлаштириш соҳаларига салмоқли ҳисса қўшди.
- болалар ва ёшлар маданий оқартув муассасаларидан фойдаланиш имконияти кенгайди;
- саноат корхоналари илм-фанни ривожлантиришга ҳам ўзининг салмоқли ҳиссанини қўшди;
- аҳолига яратилган ижтимоий қулайликлар натижасида саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш қўлами ва сифати кафолатланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Karimov I. O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida.–Toshkent: O‘zbekiston, 2011y. – B.419
2. O‘zR MDA,FM.44, OP.1, Ed.xr 1, L15
3. Vuxoro viloyat DA, F.1459, OP-1, Ed.xr.25, L-34
4. Vuxoro viloyat DA. F.1459, OP.1, Ed.xr. 373, L-79
5. Vuxoro viloyat statistika boshqarmasi joriy arxiv ma’lumotlari

6. Buxoro viloyat DA F.1459, Op.1, Ed.xr. 214, L.67, L.160
7. Buxoro haqiqati. 01.02.1994 y №10
8. Buxoro haqiqati.01.01.1992.№1
9. Soliev B. Buxoro neftni qayta ishlash zavodi.-Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti. 2007y.-B.137, -B.62
10. Buxoro haqiqati, 1997 y. 13 mart №21
11. Buxoro viloyat DA, F.1459, OP.1, Ed.xr.5, L.87
12. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Buxoro neftni qayta ishlash zavodi atrofida yashil voha barpo etish to‘g‘risida” qarori 1997 yil 31 dekabr, 581-son <http://old.lex.uz/>
13. Navoiy viloyat DA. F.206, OP.2, Ed.xr 331, L.70
14. O‘zR MDA. F-RM.113, OP.1, Edxr.117, L.176
15. “Navoiyazot” segodnaya <http://www.navoiyazot.uz/>
16. Navoiyskiy ximik 29.03.2018.№7
17. Navoiyskiy ximik 26.05.2016.№17
18. Navoiyskiy ximik 12.21.2018.№28
19. Dala materiallari, Korxonaning 10-sex ishchisi Izzatova Maftuna (yosh ona)ning mulohazalari
20. “Navoiyazot” OAJ 50 yil.-Navoiy: A.Navoiy nomli nashriyot, 2014 y. –B.208
21. O‘sha asar. –B. 213
22. O‘sha asar. –B.218
23. Sanaqulov.Q. Yangi istiqbollari sari. –Toshent: Mashhur-press. 2018 y. –B. 149
24. Navoiy viloyat DA. F.158, OP.1, Ed.xr.759, L.43
25. Hamdamova Roza Uchqunovna Navoiy shahar 25 MTM logopeti
26. Navoiy viloyat DA. F.100, OP.1, Ed.xr.335, L.79
27. Санакулов К. Инновационный прорыв Навоийского горно-металлургического комбината за двадцатилетие независимости Узбекистана // O‘zbekiston konchilik xabarnomasi. № 45, 2011 may. –B.4.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000